

ЎЗБЕКИСТОНДА СУЎУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ ЎРНИ

Баратова Динара Алишеровна,
ТДИУ таълим –тарбия маслаҳатчиси
E-mail: d_baratova@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон суғурта бозорининг жорий йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари, унинг тузилиши ва ҳозирги кунда суғурта фаолиятини ривожлантириш учун амалга оширилаётган инновацион янгиликлари келтириб ўтилган.

Аннотация: В данной статье показаны экономические показатели и строение рынка страхования Узбекистана в текущем году, а также дается информация об инновационных новшествах, служащих для совершенствования деятельности страхования.

Abstract: The paper examines the economic indicators of the insurance market of Uzbekistan in the current year, its structure and innovations, which is being implemented for developing insurance activity in the country.

Калим сўзлар: суғурта, суғурта бозори, суғурта бозори иштирокчилари, суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари, суғурта бозорида вертуал тўлов.

Кириш

Ўзбекистоннинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини белгилаш ва халқимизга фаровон турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17 февралдаги фармони билан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда бир неча вазифалар белгиланиб олинди. Шулардан бири суғурта ва лизинг ҳамда бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантиришдир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, капиталларни жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон

Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Молия бозори концепциясини яратиш ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасида акс эттирилган режалардан бири суғурта ва бошқа молиявий хизматларнинг янги шакллари жорий қилиш ва бошқа турдаги молиявий хизматларнинг ҳажмини кенгайтиришдир [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Суғурта бозирини шакллантириш ва ривожлантиришда муаммолар бўйича Россия ва Ўзбекистон олимлари томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Шундай илмий изланишларнинг натижаси сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- Суғурта бозорини ривожлантиришда реклама ва маркетинг хизматларидан юқори даражада фойдаланишда ижобий натижа бериши тўғрисида Россиялик иқтисодчи А.Гвозденко, В.В. Шахов ўзларининг ҳулоса ва таклифларини бериб ўтган [2, 3].

- Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида ҳамда реклама ва маркетингни кенг йўлга қўйиш борасида чет эл тажрибасидан фойдаланган ҳолда минталитетимизга тўғри келадиган реклама ва маркетинг хизматларини таклиф этиш бўйича Х.И.Боев ва Х.Шиннаев илмий изланишлар олиб борганлар ва ўзларининг эълон қилган илмий монографиялари, дарсликлари, ўқув –қўлланма, илмий мақолаларида бу бўйича келтириб ўтишган [4, 5].

- Суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта операцияларининг тамойиллари, суғуртанинг назарий масалалари, суғурта молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда суғурта хизмаларининг сифати ва аҳамияти ҳақида Х.М.Шиннаев, И.К.Очилов, С.Э.Ширинов ўзларининг ўқув қўлланмаларида келтириб ўтишган [6].

Тадқиқот методологияси

Ушбу илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган мамлакатимизда суғурта бозори иштирокчиларининг 3 йиллик фаолияти ва уларнинг суғурта бозорининг ривожлантиришга қўшган ҳиссалари тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланилган ҳолда анализ ва таҳлил усулидан фойдаланиб ёзилган.

Шу билан бирга суғурта бозорини ривожланиш кўсаткичлари доир ўқув қўлланмаларда келтирилган сататистик маълумотлардан ва “Ўзагросуғурта” компанияси йиллик ҳисоботларининг статистик маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган суғурта фаолиятини тартибга солиш сиёсати суғурта бозорини изчил ривожлантириш учун барча

зарур шарт-шароитларни яратиб, унинг тараққий этишида яратувчанлик жараёнларининг юқори даражасини таъминламоқда.

Суғурта соҳасида давлат сиёсатининг мақсади суғурта ходисалари содир бўлганда фукаролар, юридик шахслар ва давлатнинг мулкӣ манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконига эга суғурта тизимини шакллантиришдир.

Суғурта соҳасида давлат сиёсатининг вазифаси суғурта фаолиятининг қонунчилик асосларини, уни назорат қилиш шакллари ва услубларини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Ушбу вазифа “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 31.11.2011 йил 1544- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва “Суғурта хизматлар бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 21.05.2008 йил 872-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши асосида амалга оширилади.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспексияси томонидан суғурта фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва суғурта бозорини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Суғурта бозорининг 2016 йил кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозори қуйидаги натижаларга эришган.

2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида 26 суғурталовчи, шундан 23 таси умумий суғурта тармоғида ва 3 таси ҳаётни суғурта қилиш тармоғида, 3 суғурта брокери, 4 актуар ташкилоти, 18 асцистанс, аджастерлик ва сюрвейерлик компаниялари фаолият кўрсатиб, суғурталовчилар ўз штатида 4,9 минг ходимга, шунингдек 5,5 мингдан зиёд суғурта агентида эга.

Суғурталовчилар тақдим этган маълумотларга кўра 2016 йилда суғурталовчилар томонидан 692,6 млрд. сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан ўсиш 34,3% ташкил этган. Суғурта тўловлари эса 130.5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2015йилга нисбатан ўсиш 17,4% ни ташкил қилди.

1-жадвал

Ўзбекистонда тўпланаётган суғурта мукофотларининг ва суғурта тўловларининг кўрсаткичлари*

Йиллар	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Ўзгариши (%)	Суғурта тўловлари	Ўзгариши (%)
2013	338,48	-	66,92	-
2014	439,1	29.7	75 ,3	12.5
2015	515,7	17.4	111,1	47.5
2016	692,6	34.3	130,5	17.4

*mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Шундан ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми 485 млрд. сўмни (ўсиш 47%) ва мажбурий суғурта турлари бўйича – 207,6 млрд. сўмни (ўсиш 11%) ташкил этди. Бунда суғурталовчиларнинг 2016 йил 31

декабрь ҳолатига амалда бўлган шартномалари бўйича ялпи суғурта мажбуриятлари 298,1 трлн. сўмга (ўсиш 13%) етди.


2-жадвал

Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари ва тўловларининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Суғурта мукофотлари		Суғурта тўловлари		Шартномалар сони	
	2015	2016	2015	2016	2015	2016
Ихтиёрий суғурта	329.0	485.0	56.1	97.4	4011.6	3577.5
Мажбурий суғурта	186.7	207.6	43.8	33.8	2046.8	2198.3

*mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғуртанинг барча турлари бўйича 2016 йилда суғурталовчилар томонидан амалга оширилган суғурта тўловларининг умумий ҳажми 130,5 млрд. сўмни (ўсиш 13%), шу жумладан ихтиёрий суғурта турлари бўйича – 97,4 млрд. сўмни (ўсиш 74%) ва мажбурий суғурта турлари бўйича – 33,1 млрд. сўмни (ўсиш 49%) ташкил этди.



1-расм. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта тўловлари динамикаси (млрд. сўм)

Расмдан кўриниб турибдики 2010 йилдан 2016 йилгача олиб борилган суғурта фаолияти бўйича суғурта мукофотлари 5 бараварга ошди. 2016 йил якунларига кўра суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари тузилмаси бозор бўйича суғурта мукофотлари (70%) ва амалга оширилган суғурта тўловларининг (72%) аксарият қисми ихтиёрий суғуртага тўғри келишини кўрсатмоқда.

3-жадвал

Суғурта мукофотларининг республикамиздаги вилоятлар бўйича йиллик тушумининг кўрсаткичлари

Вилоятлар номи	Суғурта бозорининг вилоятлар кесимидаги улуши			
	2013	2014	2015	2016
Тошкент шаҳар	52.1	53.7	54.8	52.2
Тошкент вилояти	8.1	7.3	7.2	7.5
Фарғона вилояти	5.9	5.6	5.2	5.4
Самарқанд вилояти	4.7	4.4	4.1	4.3
Андижон вилояти	4.5	4.3	4.2	4.2
Қашқадарё вилояти	4	4.2	4.0	4.1
Бухоро вилояти	4.2	3.9	3.9	4.0
Наманган вилояти	3.7	3.4	3.4	3.7
Хоразм вилояти	2.8	2.9	2.8	3.2
Сурхондарё вилояти	2.7	2.6	2.6	2.8
Қорақалпоғистон Республикаси	2.4	2.4	2.3	2.5
Навоий вилояти	2	1.9	1.9	2.3
Жиззах вилояти	1.6	1.7	2.0	2.2
Сирдарё вилояти	1.4	1.7	1.7	1.5
Умумийси	100	100	100	100

*mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тўрт йил давомида Республикамиз бўйича суғурта мукофотлари кўрсаткичи ўсиб борган, лекин келиб тушган суғурта мукофотлари кўрсаткичларининг 50 фоизи Тошкент шаҳарига тўғри келади. Суғурта мукофотларининг қолган 50 фоизи Республикамизнинг қолган барча ҳудудларидан келиб тушган суғурта мукофотларига тўғри келади.

2016 йил якунларига кўра республикадаги барча суғурталовчиларнинг устав жамғармаларининг ялпи миқдори 43,1% (2015 йил якунларига нисбатан ўсиш – 5%) бўлди. Шу билан бирга, ҳисобот даврида республика суғурталовчиларининг инвестициялари ҳажми 867,5 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 19 % га кўп бўлди. [7].

4-жадвал

Ўзбекистонда тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичлари*

Йиллар	ЯИМ (млрд.сўм)	Суғурта мукофотлари (млрд.сўм)	Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши	Ўсиш ёки камайиш
2013	120861,5	338,5	0,28	+0,02
2014	145846,4	439,1	0,30	+0,02
2015	171808,3	515,7	0,30	-
2016	199325,1	692,6	0,35	0,05

*Stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

4- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган сўнгги тўрт йил давомида тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши 0,35 фоиздан ошмаяпти [8].

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори кун сайин ўсиб келмоқда. Шундай бўлсада, мамлакатимиз аҳолисининг ҳаммасида ҳам суғуртага бўлган ишонч ва тушунча тўлиқ шаклланмаган. Бунга сабаб суғурта фаолияти ҳақидаги маълумотлар Республикаимизнинг аксарият жойларига бормаётганлиги ва ривожланмаганидир. Бу эса суғурта фаолиятининг ривожланиши ЯИМ даги улушининг ўсишига ҳамда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги ошишига салбий таъсир кўрсатади. Суғурта фаолиятдан асосан Республикаимизда Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган аҳоли кенг фойдаланмоқда. Бошқа вилоятларда бу кўрсаткич бир мунча пастроқ. Бунинг исботини биз 3-жадвал бўйича кўриб чиқдик. Бунинг сабаби суғурта фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, унинг афзалликлари ҳақида тушунча бошқа Республикаимизнинг аксарият вилоятларида шаклланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйдаги таклифларни билдириб ўтмоқчиман:

- Ҳозирда энг оммабоб бўлган ижтимоий тармоқлар: телеграм, инстаграм ва бошқа ижтимоий тармоқларда суғурта хизматлари ва унинг авзалликлари ҳақида маълумот бериб туриш. Мисол учун суғурта хизматлари бўйича телеграмда бир канал очиб, бу ҳақида бошқа каналларга маълумот ташлаш орқали, аҳолини суғурта каналига аъзо қилиш ва суғурта фаолиятининг янгиликларидан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш.

- суғурта компаниялари бозордаги истеъмолчилар айнан қайси суғурта маҳсулотига талаб юқорилигини аниқлаш ва шунга қараб бозорга инновацион маҳсулотлар чиқариш;

- аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ортишини таъминлаш мақсадида суғуртага нисбатан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, яъни суғурта тўғрисида қабул қилинган қонун, қарорлар тўғрисида ва суғурта фаолияти қонун билан ҳимояланиши тўғрисида мижозларга мунтазам равишда маълумотлар бериш ;

- мижозларга қулайлик яратиш, мисол учун мижоз исталган жойидан, исталган вақтда суғурта полисларига тўловлар амалга ошириши учун “Click insurance” вертуал тўловини кенг йўлга қўйиш. Ҳозирги вақтда бу хизмат турини фақат “Узагросуғурта” АЖ суғурта компанияси амалга оширмоқда. Бу хизмат турини барча суғурта компаниялари жорий этиши компанияларга ижобий натижа беради. Мижозларга эса қулайликлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон мафаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий –услубий қўлланма. Тошкент-2017

2. Гвозденко А.А Основы страхования: Учебник. – М.: Финансы статистика 2003.
3. Шахов.В.В Страхование. Учебник для вузов. М “ЮНИТИ”, 2001.
4. Боев Х.И. “Суғурталаш” “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти”, Тошкент-2005.
5. Шиннаев Х. Ўзбекистон суғурта бозори. – Т.: “Иқтисод-Молия” 2013.
6. Шиннаев Х.М., Очилов И.К., Широнов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Тафаккур бўстони. - Тошкент-2014.
7. www.mf.uz Ўзбекистон Молия вазирлиги маълумотлари.
8. www.stat.uz Статистика қўмитаси маълумотлари.